

Фикҳ дарслари (96-дарс). Таҳоратни бузувчилар



13:00 / 30.07.2020 8663

(биринчи мақола)

Бизда таҳоратни бузувчи нарсаларни «Таҳоратни синдирувчилар» ҳам дейилади. «Мухтасар»нинг соҳиби қуйидаги нарсаларни «Таҳоратни бузувчи» деб атайди:

عَيْقُلْ أَوْ رَطْبِي أَمْ يَلِ السَّجَنَ نَاكَ نِوَرِيَّغٍ وَأَنْ يَلِيَّ بَسَّ لِمَنْ جَخَّ أَمْ هُضِقَانَو
الْصَّامِغَلَبِ الْمَفْلُ الْمَنْ إِهْرِيَّغٍ وَبَرْفُصْلَانِ إِالْ قِزْبُلِ وَبَرْمَحْلَانِ إِاقِي قَرَامَد
إِغَامْغِلْ أَوْ طَقْسَلْ لِي زُأْ وَلِ أَمْ يَلِ إِئِكْتُمْ مُوَنَوِ سَجَنْبِ سَيْلِ إِتَدْحَبِ سَيْلِ أَمْ
رَمْلِ أَسَمِ أَلْ إِشْحَافِ أَلْ رَشَابُ مِلْ أَوْ إِعْلُ طَمْرَةَ أَلْ صِيْفِ غِلَابِ هَاقِ وَنُونُجْ أَوْ
رَكَذَلْ أَوْ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга намозида қайт, бурун қонаш, қусқи ёки мазий етса, чиқиб, таҳорат қилиб келсин ва гапирмаган бўлса, келган жойидан давом эттирсин», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Қон, фасод ёки йиринг яранинг бирор еридан чиқиб, бошқа жойга оқса, таҳорат кетади. Агар улар бошқа жойга оқмай, чиққан жойида тўхтаб қолса, таҳорат кетмайди. Қон бурундан оққанда ҳам таҳорат кетади.

Бир нуқта, икки нуқта билан таҳорат кетмайди.

مجلس و هيلع لاله لى صبي ن ل ن ع ، ع ن ع ل ل ل ي ص ر رة ز ي ر ه ب ا ن ع ي ن ط ق ر ا د ل ا و ر
«ألئأس ن و ك ي ن أ ل إ ء و ض و م د ل ا ن م ن ي ت ر ط ق ل ا و ر ط ق ل ا ي ف س ي ل : ل ا ق

Имом Дора Қутний Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир қатра, икки қатра қондан таҳорат қилиш йўқ. Илло, оққан қон бўлса, бор», деганлар.

Тишланганда қолган қон изи ёки мисвоқдан кейин қолган қон изи ҳам таҳоратни кетказмайди.

Шунингдек, кўз, қулоқ, кўкрак беши ва киндик ичидаги ярадан ташқарига қон оқмаса таҳорат кетмайди.

Икки йўлдан бошқа жойдан чиққан нарса нажас бўлмаса, таҳорат кетмайди. Мисол учун, кўз ёши, тупук, мишиқ, сўлак, тер каби нарсалар таҳоратни кетказмайди.

3. Ёки суюқ қонни қайт қилиш, агар у билан тупуги қизарса. Агар у билан тупук сарғайса, ҳисоб эмас.

Яъни суюқ қон қусган одамнинг таҳорати кетади. Шунингдек, оғизни тўлдириб қуюқ қон қусилса, таҳорат кетади. Агар у оғизни тўлдирадиган даражада бўлмаса, кетмайди. Аммо қон аралаш бошқа нарса қусса, қандоқ бўлади? Агар тупук қизғиш рангли бўлса, таҳорат кетади, чунки бу ҳолатда қон бошқа нарсдан ғолиб бўлади ёки тенгма-тенг бўлади. Аммо тупукнинг ранги сарғиш бўлса, таҳорат синмайди. Чунки бу ҳолатда қондан бошқа нарса ғолиб бўлади.

4. **Ундан (суюқ қондан) бошқасини қайт қилиш ҳам, агар оғизни тўлдириб чиқса.**

Оғизни тўлдириб чиққан ҳар бир қусуқ таҳоратни кетказади. Бунда қусуқ таом, сув, қотиб қолган қон, сафро бўлиши мумкин.

نَمَ: مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصْرَه لَلْأُلُوسَ رَلْأَقِ: تَلَأَقِ أَهْوَ عٌ هَلْ لِي صَرَ شَيْءٍ أَعْنَع
لَعَلَّ عِنْبَيْ لِمُثْ، أَصْوَتَيْ لَفْ فَرَصْنَيْ لَفْ يَدْمٌ وَأَسَلَقٌ وَأَفْأَعْرٌ وَأَيْ قُهُ بَأَصْأ
عَجَامٌ نُبْأ هَأَوْر. «مَلَكْتِي أَلْكَ لَذِي فَوْهٍ وَهَتِ أَلْص

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга намозида қайт, бурун қонаш, қусқи ёки мазий етса, чиқиб, таҳорат қилиб келсин ва гапирмаган бўлса, келган жойидан давом эттирсин», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

يَذْمُرْتِ لَأَهَأَوْر. أَصْوَتَفَ أَقِ مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصْرَه لَلْأُلُوسَ رَنْ: أَأَدْرَدَلِ يَبْأَعْنَع

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қусдилар ва таҳорат қилдилар».

Термизий ривоят қилган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, ошқозондан бир дафъада оғизни тўлдириб келган қусуқ таҳоратни кетказади.

Аввалги жумлаларда қон, қайт, балғам ва йиринг каби нарсалар ҳақида баёнотлар келгани ва уларнинг ичида бетаҳорат қиладигани ва қилмайдигани бўлгани учун, келаси жумлада бетаҳорат қилмайдиган нарсаларнинг ҳукми ҳам баён қилинмоқда.

Балғам ташлаш асло таҳоратни синдирмайди.

Бунда балғам бошдан бўладими ёки қориндан бўладими, фарқи йўқ. Бунда балғамга таом аралашмаган бўлиши шарт.

Бетаҳорат қилмайдиган нарса нажас эмасдир.

Бунга оқмаган қон ва оғизни тўлдирмаган қусуқ мисол бўлади. Улар нажас бўлмагани учун, уларни пахта билан артиб сувга ташласа, сув нажас

бўлмайди. Ёки ўша нарсалардан бир дирҳам миқдоридан кўпроқ миқдорда кийимга тегса ҳам намоз ўқиса бўлаверади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобидан